эришилди: АҚШ ташқи сиёсатига хос бўлган хусусиятлар ёритиб берилди, миллий хавфсизлик тушунчасининг моҳияти очиб берилди, ҳозирги замон халқаро муносабатларининг асосий тамойиллари ўрганилди (Council on Foreign Relations, Rand Corporation, Brookings Institution, Carnegie Endowment for International Peace); АҚШ геосиёсати, Америка ташқи сиёсий стратегиясининг иқтисодий жиҳатлари, антиамериканизм муаммоси ўрганилди ва таҳлил қилинди (Российский институт стратегических исследований, Московский государственный институт международных отношений); АҚШнинг халқаро майдондаги устунлик мавқеи танқидий таҳлил қилинди, АҚШнинг яқка ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашларнинг асоссиз эканлиги исботланди (French Institute of International Relations); Марказий Осиё давлатлари мустақиллигининг илк босқичида юзага келган муаммолар, Ғарб ва Шарқ мамлакатларида миллий манфаатлар ва хавфсизликка бағишланган масалалар ёритиб берилди (Central Asia-Caucasus Institute, George Washington University, Columbia University); АҚШнинг 2001 й. террористик хужум сўнг олиб борган минтақадаги сиёсати ва ўрни таҳлил қилинди (Carnegie Endowment for International Peace, Central Asia-Caucasus Institute, German Council on Foreign Relations, Royal Institute for International Affairs). Қуйидаги устувор йўналишлар бўйича АҚШнинг Марказий Осиёдаги стратегияси муаммосига бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда: АҚШнинг Марказий Осиё минтақасидаги стратегиясининг эволюцияси ва ундаги ўзгаришлар; глобал ва минтақавий кучларнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари; Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсий стратегияси, унда минтақадаги глобал ва минтақавий кучлар ўртасидаги рақобатни ҳисобга олинганлиги (Atlantic Council, Carnegie Endowment for International Peace, George Washington University, Near East South Asia Center for Strategic Studies, АҚШ, University of St Andrews, Буюк Британия Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш маркази, Озарбайжон, Американинг Марказий Осиёдаги университети, Қирғизистон, Москва давлат халқаро муносабатлар институти қошидаги Ҳарбий-сиёсий тадқиқотлар маркази, Россия). Шунингдек, АҚШнинг Марказий Осиёга қаратилган стратегияси негизида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва миллий манфаатлари таҳлил қилинган (Халқаро муносабатлар Ахборот-таҳлил маркази, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** АҚШнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий стратегиясига доир масалалар доимо илм-фан аҳли, тадқиқотчилар ва амалиёт вакилларининг диққат-эътиборида бўлган. Хусусан, мазкур муаммо билан чет эл олимларидан S.Blank, D.Smith, Zb.Brzezinski, S.Huntington, G.Fuller, M.B.Olcott, A.Cohen, B.Rumer, E.Rumer, F.Starr, Ch.Fairbanks, F.Hill, R.McDermott, J.Snyder, R.Ebel, R.Kangas, M.Ochs, M.Atkin, E.Huskey, R.Allison, L.Jonson, A.Bichel, T.de Montbrial, T.Gomart, U.Halbach, A.Rahr, Чжао Хуашэн (Zhao Huasheng), Роберт Гуан Тянь (Robert Guang Tian), Чэнь Юйжун (Chen Yurong), М.Братерский, А.Казанцев,

А.Кортунов, С.Лунев, С.Жуков, О.Резникова, Ю.Давыдов, А.Уткин, В.Кременюк, Т.Шаклеина, А.Богатуров, Д.Попов ва бошқалар шуғулланган<sup>1</sup>.

Марказий Осиё олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар алоҳида илмий аҳамият касб этади. АҚШнинг Марказий Осиё минтақасидаги ташқи сиёсий стратегиясининг эволюцияси М.Лаумулин, М.Нурғалиев, А.Язмуратов, Ф.Хамраев, Г.Тулепбергенова ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Blank S. U.S. Interests in Central Asia and Their Challenges. The Strategic Studies Institute, 2007. <http://www.strategicstudiesinstitute.army.mil/pdffiles/pub758.pdf>; Smith D. Breaking Away from the Bear. – Carlisle Barracks, Pa.: Strategic Studies Institute, U.S. Army War College, 1998; Brzezinski Zb. A Geostrategy for Eurasia // Foreign Affairs. – September/October, 1997; Бжезинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и ее геостратегические императивы. – М.: Международные отношения, 2010; Huntington S. The Lonely Superpower // Foreign Affairs. Vol.78, №2, 1999. – P.35-49; Fuller G. Central Asia and American National Interests // Central Asia: Its Strategic Importance and Future Prospects. Ed. by H.Malik. – N.Y.: St. Martin Press, 1994. – P.129-141; Олкотт М.Б. Второй шанс Центральной Азии. – М.: Фонд Карнеги за Международный мир, 2005; Cohen A. Radical Islam and US Interests in Central Asia. – Washington, DC: Heritage Foundation, 2003; Rumer B. Central Asia. At the End of Transition. – Armonk. – N.Y.: M.E.Scharpe, 2005; Rumer E. Filling the Void: The United States in Central Asia // Foreign Service Journal. - №80(4), 2003. – P.48-51; Starr F. A Partnership for Central Asia // Foreign Affairs. - July/August, 2005; Fairbanks Ch., Starr F., Nelson R., Weisbrode K. Strategic Assessment of Central Eurasia. – Washington, D.C.: The Atlantic Council of the United States, Central Asia - Caucasus Institute, SAIS. 2001; Hill F. The United States and Russia in Central Asia: Uzbekistan, Tajikistan, Afghanistan, Pakistan and Iran // <http://www.brookings.edu/research/speeches/2002/08/15russia-hill>; McDermott R. NATO Deepens its Partnership with Central Asia. November 17, 2004. <https://www.cacianalyst.org/publications/analytical-articles/item/9472-analytical-articles-caci-analyst-2004-11-17-art-9472.html?tmpl=component&print=1>; Ebel R. La politique américaine en Asie centrale, inchangée mais souple // Défense nationale. - №8/9, 2001. – P.80-88; Allison R., Jonson L. Central Asian Security. The New International Context. – London, Washington: RIIA/Brookings Institution Press, 2001; Gomart Th. Washington-Moscou: la nouvelle donne // Politique internationale. – 2009, №123. - P.247-264; Halbach U. Das Erbe der Sowjetunion. Kontinuitäten und Brüche in Zentralasien // Manfred Sapper, Volker Weichsel, Andrea Huterer (Hrsg.): Machtmosaik Zentralasien, Osteuropa, 8-9/2007. – P.77-98; Хуашэн Чж. Китай, Россия, США: интересы, позиции, взаимоотношения в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. – 2004, №5(35). – С.131-140; Гуан Тянь Р. От Центральной Азии к Большой Центральной Азии: цели и корректировки стратегии США в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. – 2009, №3. – С.68-84; Юйжун Ч. Анализ взаимоотношения между странами Центральной Азии и США на основе нынешнего положения // Политика США в Центральной Азии. – Алматы: Центральноазиатское агентство политических исследований, Фонд им. Фридриха Эберта в Казахстане, 2003. – С.26-27; Братерский М. Политика США в Средней Азии: итоги десятилетия // США. Канада: экономика, политика, культура. – 2002, №9. – С.55-64; Казанцев А. Политика США в постсоветской Центральной Азии: характер и перспективы // Вестник МГИМО. - 2012. №4. – С.155-164; Кортунов А. Дезинтеграция Советского Союза и политика США. – М.: Российский научный фонд, 1993; Лунев С. Независимые республики Центральной Азии и Россия. – М.: Институт востоковедения РАН, 2001; Жуков С., Резникова О. Центральная Азия в социально-экономических структурах современного мира. – М.: ИМЭМО, 2001; Давыдов Ю. США: меняющееся видение меняющихся угроз // США-Канада. Экономика, политика, культура. – 2004, №10. – С.3-22; Уткин А. Единственная сверхдержава. – М.: Алгоритм, 2003; Кременюк В. Две модели отношений США с окружающим миром: «заботливый отец» или «суровый шериф» // США – Канада: экономика, политика, идеология. – 2004, №11. – С.3-14; Шаклеина Т. Внешнеполитические дискуссии в США: поиски глобальной стратегии // США – Канада: экономика, политика, культура. – 2002, №10. – С.3-15; Богатуров А. Отложенный нейтралитет? Центральная Азия в международной политике // Россия в глобальной политике. – 2010, №2. – С.67-78; Попов Д. Центральная Азия во внешней политике США. 1991-2016 гг. – М.: РИСИ, 2016. С.247

<sup>2</sup> Лаумулин М. Центральная Азия в зарубежной политологии и мировой геополитике. Внешняя политика и стратегия США на современном этапе и Центральная Азия. – Алматы: КИСИ при Президенте РК, 2006. Т.2; Нурғалиев М. Политика США в Центральной Азии в контексте проведения антитеррористической кампании в Афганистане // Казахстан-Спектр. – 2007, №2. – С.30-36; Язмуратов А. Проект США «Большая Южная Азия»: интересы стран Центральной Азии и ключевых нерегиональных акторов // Центральная Азия и Кавказ. – 2006, №5(47). – С.93-107; Хамраев Ф. Влияние «американского фактора» на политику России и Китая в Центральной Азии // Политика США в Центральной Азии. – Алматы: Центральноазиатское агентство политических исследований, Фонд им. Фридриха Эберта в Казахстане, 2003; Тулепбергенова Г. Новый подход в политике США в Центральной Азии // Евразийское сообщество. – 2007, №4(60). – С.124-134.

Мамлакатимиз олимларидан Ш.Абдуллаев, Р.Алимов, Э.Арипов, Б.Эргашев, Г.Юлдашева, М.Аскарров, Н.Касымова<sup>1</sup> ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида мазкур муаммонинг турли жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга, АҚШнинг Марказий Осиёдаги стратегиясига оид муаммолар тўлиқ ўрганилган деб бўлмайди. Бундай хулосага келишга бази бир омиллар сабаб бўлган: биринчидан, ҳозирги замон жаҳон сиёсатидаги ўзгаришлар, хусусан, у ёки бу минтақада кучлар мувозанатининг ўзгариши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилмаган; иккинчидан, Марказий Осиё минтақаси номинтақавий давлатларга нисбатан умумий ташқи сиёсатга эга бўла оладиган ягона тизим сифатида кўрилмаган. Шунга қарамасдан, бундай ҳолат таҳлил қилинган ишларнинг илмий аҳамиятини камайтирмайди, балки юқорида келтирилган тадқиқотлар мазкур диссертацияда таҳлил қилинган муаммоларни кўриб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Б.Клинтон ва кичик Ж.Бушнинг президентлик маъмуриятлари фаолияти даврида АҚШнинг Марказий Осиё давлатларига нисбатан ташқи сиёсий стратегияси генезиси ва эволюциясини комплекс равишда таҳлил этишдан иборат.

Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги **тадқиқот вазифалари** кўйилган:

АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатининг концептуал асослари эволюциясини ўрганиб чиқиш;

Марказий Осиёдаги геосиёсий ўзгаришларни ва АҚШнинг минтақадаги стратегик мақсадларини аниқлаш;

Россия омилини ҳисобга олган ҳолда АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни ривожлантиришда сиёсий-дипломатик механизмларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

АҚШ ва Россия томонидан ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида Марказий Осиё омилини таҳлил қилиш;

АҚШнинг Марказий Осиёдаги иқтисодий ва геоэнергетик манфаатлари эволюциясини ўрганиш;

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўналишида АҚШ стратегиясининг бош таркибий қисмларини аниқлаш;

---

<sup>1</sup>AbdullaevSh. Formation of a New International System and Central Asian Regional Security // International Relations. – Tashkent, 2003. – №3. – P. 47-56; Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент: Шарк, 2005. – 464 с. Эргашев Б. США в отношениях с политической оппозицией стран Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. – 2005, №1. – С.23-29; Арипов Э. Внешнеполитические аспекты деятельности конгресса США в контексте глобального развития (на примере Центральной Азии и Кавказа): Автореф. дисс... канд. полит. наук. – Ташкент, 2001. – 28 с. Юлдашева Г. Формирование основ центральноазиатской стратегии США // Центральная Азия и Кавказ. – 2011, Т.14, №2; Касымова Н. Содействие международных организаций в поддержании стабильности и безопасности в Центральной Азии. – Ташкент, 2008.

Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик муаммолари контекстида Россия ва АҚШ ўртасидаги зиддиятнинг геосиёсий жиҳатларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объектини** АҚШнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсати ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** АҚШнинг Марказий Осиёга қаратилган ташқи сиёсати трансформацияси босқичларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий изланишни олиб бориш жараёнида фанлараро характерга эга бўлган усул ва таҳлил қилиш тартиботлари мажмуасидан фойдаланишни назарда тутган вазият таҳлили методидан фойдаланилди. Шунингдек, қиёсий-тарихий методдан кенг фойдаланилди. Илмий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш ва улар асосида ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги фарқлар ҳамда сиёсий вазиятларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга эканлигини аниқлашга ёрдам берган қиёсий таҳлилдан фойдаланилди. Қиёсий-тарихий услуб ёрдамида минтақа доирасида халқаро муносабатларнинг ривожланишида АҚШ ва Россиянинг иштироқи даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатлари динамикаси ва эволюцияси таҳлил қилинди.

Бундан ташқари диссертацияда экспликатив методлар, хусусан, контент-таҳлил, ивент-таҳлил, когнитив хариталаш ва Дельфи методларидан фойдаланилди. Халқаро муносабатлар назарияси доирасида мавжуд бўлган бир қатор назарий ёндашувлар ва мактабларнинг қарашларига асосланган тизимли ёндашувнинг афзал томонлари шундан иборатки, унинг ёрдамида тадқиқот объектини ҳар томонлама ўрганиш, ўзаро алоқада бўлган элементлар ўртасидаги боғлиқликларни ҳамда халқаро муносабатлар тизимининг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Тизимли таҳлил услубидан АҚШнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатининг таркибий йўналишларини (сиёсий, стратегик, иқтисодий, маданий ва б.) инобатга олган ҳолда тадқиқ қилишда фойдаланилди. Геосиёсий ёндашув эса халқаро муносабатлар тизимининг умужаҳон ва минтақа доирасида ривожланиш динамикасини тўғри баҳолашга ёрдам берди. Функционал метод асосида АҚШнинг минтақада қўллаган ташқи сиёсий воситаларининг самарадорлиги даражаси кўриб чиқилди. Тадқиқотнинг асоси сифатида эволюцион тамойил олинган бўлиб, унга кўра АҚШнинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсатининг ўзгаришига таъсир кўрсатган кўплаб омиллар кўриб чиқилди (омилли таҳлил).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Б.Клинтон ва кичик Дж.Буш маъмуриятлари остида АҚШ учун аҳамиятли бўлган барча турдаги халқаро муаммолар бўйича Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро таъсир ва сиёсий-дипломатик мулоқот доктринаси доирасида минтақада амалга оширган «дастурловчи ҳамкорлик» ташқи сиёсий стратегияси тамойиллари ва инструментлари очиқ берилди;

минтақа давлатларининг дунёвий ривожланиш ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш йўлидан бориши, мустақил ва ҳамкорликка очиқ бўлган ташқи сиёсат олиб бориши, минтақада «учинчи

кучлар»нинг ҳукмронлигига йўл қўймаслик, АҚШнинг Евроосиёдаги стратегик салоҳиятининг мустаҳкамланиши сингари Марказий Осиёда кечган фундаментал геосиёсий ўзгаришлар асосида Американинг минтақадаги стратегик мақсадлари ва манфаатлари асосланди;

минтақанинг ўзига хос геостратегик ва геоиқтисодий маконда жойлашганлиги, бу ерда иқтисодий ва геосиёсий таъсирга эга қудратли давлатлар манфаатлари тўқнашуви, Россия ва Хитой омили ҳамда Эрон, Ҳиндистон, Покистон ва Туркиянинг бу ердаги жараёнларда иштирокини ҳисобга олган ҳолда АҚШнинг Марказий Осиё давлатларини камраб олган сиёсий-дипломатик механизмида ҳафвсизлик ва мудофаа соҳаларида ҳамкорлик, терроризмга қарши кураш ҳамда Афғонистондаги уруш омилларига устувор аҳамият қаратилиши тизимли равишда очиб берилди;

АҚШнинг Марказий Осиёдаги иқтисодий сиёсати шаклланиши параметлари, унинг 2008-2009 йиллардаги умумжаҳон иқтисодий инқирози даврида минтақадаги иқтисодий жараёнларга муносабати ва Марказий Осиё билан Каспийолди минтақаларидаги энергетика соҳасидаги сиёсатининг ўзгариб борганлиги асослаб берилди;

Ўзбекистон Республикасининг АҚШга нисбатан ташқи сиёсати устувор йўналишлари юзасидан, хусусан, Б.Клинтон ва кичик Ж.Буш маъмуриятлари давридаги Ўзбекистон-Америка ўртасидаги муносабатлар тажрибасига таяниб иккитомонлама конструктив ва фаровон ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Американинг турли сиёсий давралари ва ижтимоий қатламлари билан ўзаро самарали алоқалар ўрнатиш ва Америка йўналишида Марказий Осиё давлатлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, «С5+1» форматидаги доимий мулоқотни жонлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида илмий таҳлилнинг умумий ва махсус услулларидан фойдаланилди. Хулосалар АҚШ Миллий ҳафвсизлик стратегияси ва бошқа қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, АҚШ ташқи сиёсати масалаларига бағишланган аввалги тадқиқотларни ўрганиш, халқаро муносабатлар назарияси, геосиёсат, америкашуносликда умумэътироф этилган қарашлар ҳамда илмий далилларни ўзида жалб этган ишончли манбалар асосида шаклланди.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган ҳолда миллий ва хорижий нашрларда чоп этилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти** шундан иборатки, таҳлил этилган илмий-назарий хулосалардан илмий тадқиқотларнинг методологияси ва услулларини такомиллаштиришда, халқаро муносабатлар, геосиёсат, АҚШ ташқи сиёсати каби фанларнинг умумназарий жиҳатларини кенгайтиришда ҳамда мазкур мавзу юзасидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** қуйидагилардан иборат:

- АҚШ ва Россиянинг сиёсий, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий манфаатларини гуруҳлаштириш ва тизимлаштириш, уларнинг икки томонлама (АҚШ-Россия) ва уч томонлама (АҚШ-Россия-Марказий Осиё) форматлар доирасида муштарак ва зид манфаатларини аниқлаш таклифи киритилган;

- Россия омилини ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари томонидан АҚШга нисбатан ташқи сиёсатни олиб бориш ва такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Амалий нуқтаи назардан диссертация материаллари рестроспектив таҳлил асосида АҚШнинг Марказий Осиёдаги жорий сиёсатидаги мураккаб воқеъликни тушуниб етишга ёрдам беради. Американинг минтақада 1990-2000 йиллар мобайнида олиб борган сиёсатининг генезиси ва эволюциясини ўрганиш Б.Обама маъмурияти сиёсатида юзага келган «стратегик танаффус»нинг моҳиятини, Д.Трамп маъмуриятининг Марказий Осиёга қаратилган фаолиятида сақланиб келаётган ноаниқликларни тушунишга ёрдам беради. Айни пайтда ушбу таҳлил Президент Ш.М.Мирзиёевнинг жаҳон сиёсатининг «куч марказлари» билан мувозанатлашган муносабатлар ўрнатиш, улар билан прагматизм ва реализмга асосланган очик, конструктив, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка йўналтирилган ташқи сиёсатининг ҳар томонлама асосланганлиги ва тўғрилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва хулосалар бошқарув органлари ва ташқи сиёсат билан боғлиқ муассасалар фаолиятида ҳамда таълим муассасаларининг ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Б.Клинтон ва кичик Ж.Буш маъмуриятларининг Марказий Осиёда олиб борган сиёсатининг генезиси ва эволюцияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатига ташқи омилларнинг (Россия, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Туркия) таъсири, жаҳон иқтисодий инқирози даврида АҚШнинг минтақадаги иқтисодий жараёнларга ёндашуви, «дастурловчи ҳамкорлик» доктринасидан келиб чиқиб Марказий Осиёдаги давлатларига қарата АҚШ ташқи сиёсати хос хусусиятларни ҳар томонлама ҳисобга олиниши борасидаги диссертациянинг асосий ғоялари ТИВнинг тегишли бўлим ва бошқармалари фаолиятида фойдаланилган (Ташқи ишлар вазирлигининг 2017 йил 20 октябрдаги 19/42436-сон маълумотномаси). Муаллиф томонидан илгари сурилган бир қатор ғоя ва хулосалар юқори ташкилотлар учун таҳлилий маълумотномалар, ТИВ ва республиканинг ҳорижий ваколатхоналари учун ахборотномалар тайёрлашда фойдаланилган. Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси ТИВ томонидан тегишли соҳаларда юзага келаётган вазиятларни давлат миллий манфаатлари нуқтаи назаридан мос равишда баҳо беришга хизмат қилган;

АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, Марказий Осиё ва унинг ён-атрофидаги сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа жараёнлар динамикаси, мазкур жараёнларнинг Вашингтоннинг минтақадаги сиёсати

таъсирига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлининг амалий фаолиятидаги ахборот таҳлилномаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2017 йил 20 октябрдаги 2/14977-сон маълумотномаси). Тадқиқот ишининг асосий хулоса ва ғоялари ҳарбий-техник тадбирларни ташкил этиш ва конструктив ташқи сиёсатни амалга оширишда ҳисобга олинган ва Ўзбекистон Республикасининг АҚШ, Россия ва Туркия сингари давлатлар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги борасида юқори ташкилотлар учун таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ахборот таҳлилномаларини тайёрлашда диссертация материаллари куйидаги кўринишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг 2017 йил 20 октябрдаги №04/1381-сон маълумотномаси.): Диссертация бир қатор хулоса ва тавсиялари юқори ташкилотлар эътиборига хавола қилиш учун АҚШ билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласида давлат ташқи сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, Ўзбекистон миллий манфаатлари контекстида қудратли давлатларнинг минтақадаги сиёсатини тарихий-қиёсий таҳлил қилишда, АҚШ ички сиёсий сайловларининг, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий элиталарнинг алмашинуви бу мамлакат ташқи сиёсий стратегиясига таъсирини аниқлашда ишлатилган. Натижада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Америка тадқиқотлари Лабораторияси ташкил этилиб, бу ерда америкашуносликнинг турли йўналишларига бағишланган доимий равишда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтди, шундан 4 таси республика миқёсида, 4 таси халқаро анжуманлар.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси юзасидан 20 та илмий ишлар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрлар ҳам шулар жумласидандир (1 монография ва 11 илмий мақола, шу жумладан 7 таси миллий журналларда, 4 таси халқаро журналларда).

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишининг умумий ҳажми 196 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари билан ўзаро боғлиқлиги ёритилган, мавзу юзасидан олиб борилган хорижий илмий-тадқиқот ишлари кўриб чиқилган, тадқиқот муаммосининг ўрганилганлик даражаси асосланган, диссертация мавзусининг иш бажарилган олий ўқув юртидаги илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, қўлланилган тадқиқот методларлари, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг ишончлилиги ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ва уларни апробациядан ўтказиш, нашр этилган ишлар кўрсатилган, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатининг концептуал асослари»** номли бобида Американинг янги ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг назарий ва концептуал асослари, собиқ Совет Иттифоқи худудида вужудга келган янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг АҚШ ташқи сиёсий манфаатлари тизимидаги ўрни ҳамда Американинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий стратегиясининг ўзига хос томонлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг *«1990 йиллар бошида АҚШ янги ташқи сиёсий ўзлиги шаклланишининг хусусиятлари»* номли биринчи параграфида АҚШ томонидан ўз манфаатларини умумжаҳон миқёсда барча воситалар билан илгари сура оладиган етарли салоҳият ва ахлоқий ҳуқуқларга эга бўлган кудратли давлат сифатида эътироф этилиши сабаблари ва тарихи ўрганилган.

Вашингтоннинг ўзлигини сақлаб қолиш ва уни мустақамлашдаги асосий вазифаси айрим давлатлар ва минтақаларнинг ривожланиш йўллари белгилаб бериш, анъанавий ва янги таҳдидларга қарши курашда Американинг глобал етакчилик мақомини ушлаб туришдан иборатдир.

Собиқ Совет Иттифоқининг халқаро майдондаги мавқеининг сезиларли даражада сусайиши, «совуқ уруш» даврида социализм лагерининг де-факто мағлубиятга учрашини англатган икки Германиянинг ягона давлатга бирлашуви, собиқ иттифокчи давлатнинг парчаланиши каби ҳодисалар АҚШ ва бутун дунё олдида янги воқеъликни юзага келтирди. Мазкур жараёнлар АҚШнинг бир қанча стратегик хужжатлари ҳамда америкалик ва европалик тадқиқотчилар ишларида ёритилганидек, ушбу воқеълик ўзи билан кўплаб имкониятлар баробарида мисли кўрилмаган таҳдидлар кўринишида намоён бўлиб, уларни англаб етиш учун маълум вақт талаб этилган. Худди шу каби Вашингтон ўзининг жаҳондаги янги ролини англаши учун ҳам фурсат талаб этилди.

«Совуқ урушнинг» тугаши нафақат Вашингтоннинг «тийиб туриш» стратегияси каби ташқи сиёсий амалиётдан воз кечишга, балки АҚШнинг

Ғарб мамлакатлари орасидаги энг қудратли етакчи давлати ролини шубҳа остига қўйди. Ажабланарли жойи йўқки, 1990 йиллар бошида АҚШда икки қутбли тизимдан кейинги даврда унинг янги роли ва ташқи сиёсий стратегияси юзасидан катта бахс-мунозаралар авж олди. Бир томондан, АҚШнинг ҳарбий-стратегик мажбуриятларини ҳамда глобал етакчиликка даъвосини мўтадиллаштириш тарафдорлари ҳаракатга келди. Мазкур нуқтаи назарни тарихчи олим П.Кеннеди ўзининг машҳур «Буюк давлатларнинг ривожланиши ва қулаши»<sup>1</sup> асарида ёритиб берди. Иккинчи томондан, АҚШнинг очикдан-очик «ягона буюк давлат гегемонияси»ни ўрнатишни илгари сурган «ягона қутбли дунё» тарафдорлари ўзлари ҳақида маълум қилдилар<sup>2</sup>. АҚШ стратегиясининг асосий мақсади этиб янги ва кейинчалик юзага келишини мумкин бўлган глобал миқёсдаги рақибнинг «пайдо бўлишини олдини олиш» расмий доктрина сифатида эълон қилинди.

АҚШнинг янги роли ҳақида фикр юритар экан, таниқли олим З.Бжезинский икки қутбли тизимдан кейинги даврда Америка сиёсатининг асосий мақсади «инсониятнинг узоқ муддатга мўлжалланган фундаментал манфаатларига асосланган ҳамкорликка тайёр жаҳон ҳамжамияти»ни яратиш ғоясини илгари сурди. Айни маҳалда жаҳон сиёсий майдонида Евроосиёда ҳукмронлик қила оладиган ва Америкага таҳдид қиладиган рақибнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга эди<sup>3</sup>. Шундай қилиб, сиёсий ва илмий доираларда АҚШнинг жаҳондаги ўрни ҳақида гап кетганда унинг ягона энг қудратли давлат мақоми истиқболлари ва бунга эришиш механизмлари доимий равишда ва қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

1992 йилдан сўнг АҚШда қабул қилинган миллий хавфсизлик стратегиялари ва бошқа расмий ҳужжатларнинг илк бора таҳлил этилиши, тадқиқот масалалари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда Б.Клинтон ва кичик Ж.Бушлар либерал интернационализм сиёсатини куч ишлатиш билан амалга оширилиш концепцияси тарафдори бўлганлигини кўрсатади. Бу сиёсат хавфсизлик бўйича иттифоқчилардан фойдаланиш ва халқаро ташкилотларда аъзолик, савдо тўсиқларини камайтириш ва демократияни ёйиш орқали олиб борилган бўлса ҳам АҚШнинг ҳарбий жиҳатдан дунёда мутлоқ устунлигини таъминлашга қаратилган эди. Ушбу кун тартибидан олий мақсад – либерал дунё тартиботи шаклланишини таъминлаш ва ёйишга қаратилган эди. Бу сиёсат «маърифатли эгоизм» тушунчаси билан таърифланиб, 1945 йилдан ҳукмрон бўлиб умумэътироф этилган концепцияларга тўлиқ мос келар эди.

*«Собиқ Совет иттифоқи ҳудудида вужудга келган янги мустақил давлатлар АҚШ ташқи сиёсий манфаатлари тизимида (назарий-методологик жиҳатлари)»* деб номланган иккинчи параграфда Марказий Осиёнинг АҚШ ташқи сиёсатида тутган ўрни кўриб чиқилган. 1990 йиллар

<sup>1</sup> Kennedy P. The Rise and Fall of the Great Powers: Economic Change and Military Conflict from 1500 to 2000. – N.Y.: Random House, 1987. – P 677.

<sup>2</sup> Krauthammer C. The Unipolar Moment // Foreign Affairs, 1991. - Vol. 70. - №1. – P. 23-33.

<sup>3</sup> Бжезинский З. Великая шахматная доска: господство Америки и его геостратегические императивы / Пер. О.Уральской. – М.: Международные отношения, 1998. – С.2.

бошида Ғарбда айрим советшунос тадқиқотчилардан ташқари деярли ҳеч ким Марказий Осиё ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган. Марказий Осиёга нисбатан минтақавий сиёсатнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишдан олдин янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганидан кейинги даврда мазкур минтақадаги вазиятни АҚШ томонидан кузатиб бориш ва минтақани янада тўлиқ ўрганиш вазифаси турган.

СССР парчаланиш давридан то 2000 йилларга қадар кечган вақт АҚШ ва Ғарб учун постсовет маконини, шу жумладан, Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларини халқаро ҳамжамиятга қайта кириш даври бўлди. Америка минтақанинг геосиёсий мувозанатини ушлаб туришда ва жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашувида етарлича илғор рол ўйнади. АҚШ ва Ғарб мамлакатлари манфаатлари нуқтаи назаридан барча минтақа давлатлари томонидан бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуриш, дунёвий ривожланиш йўлини танланганлиги ҳамда улар томонидан дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга қаратилган сиёсат олиб бориш Марказий Осиёдаги эътиборга молик бўлган геосиёсий ўзгариш бўлди.

XXI асрнинг бошида Америка илмий ҳамжамиятида Марказий Осиёга нисбатан бу ердаги мамлакатлар ва уларнинг ён-атрофларида кузатилаётган геосиёсий ўзгаришлардан келиб чиқиб минтақага нисбатан янада тизимли ва чуқурлаштирилган илмий-тадқиқот ишлари фаоллашди. Айни фаолиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш диссертация тадқиқотининг янги жабҳаларидан бири бўлди. Масалан, Джон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори таниқли америкалик эксперт Ф.Старр томонидан минтақанинг янги концептуал кўриниши – «Катта Марказий Осиё» концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизстон, Туркманистон ва Ўзбекистон янога минтақани ташкил этади. Бу ғояга кўра, Марказий Осиё кўп сонли мусулмон халқлар яшовчи Яқин Шарқ ва Шарқий Осиё ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий кўприк вазифасини бажариши керак. Бунинг учун терроризмга қарши курашда ҳужумкор уруш олиб бориш, АҚШ раҳбарлиги остида хавфсизлик инфраструктурасини ташкил этиш, Афғонистон ва унинг қўшнилари радикал исломийлик ва наркотиклар савдосидан ҳимоялаш, мамлакатлар иқтисодиёти ва давлат институтларини мустаҳкамлаш лозим.

Вашингтон наздида Марказий Осиёнинг жуғрофий ёпиклиги, Афғонистондаги узоқ пайтдан бери давом этаётган беқарорлик ва Эронга нисбатан қўлланилган санкциялар натижасида минтақа ўзининг транспорт-коммуникация тизимидан ажралиб қолганлиги муаммосини бартараф этишга диққатини қаратиш ва энергетик ресурсларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. АҚШ ва бошқа Ғарб давлатлари бир вақтнинг ўзида давлат қурилиши жараёнини қўллаб-қувватловчи турли хил дастур ва лойиҳаларни амалга ошира бошлашди.

Диссертациянинг «*АҚШнинг Марказий Осиё бўйича «дастурловчи ҳамкорлик» стратегияси*» деб номланган учинчи параграфида АҚШнинг бошқа давлатлар билан олиб борадиган «дастурловчи ҳамкорлик»

стратегиясининг мазмун-моҳияти ёритиб берилган. Унга кўра икки томонлама кун тартибидаги вазифаларни, яъни АҚШнинг минтақа давлатлари билан ҳамкорлик йўналишлари ва соҳаларини ўз ичига олган масалаларни олдиндан аниқлашга қаратилган ҳаракатлар йиғиндиси назарда тутилган. Мазкур параграфда Вашингтоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқалари 2001 йил 11 сентябрдан сўнг вужудга келган «янги шароитда» қай тарзда ва даражада олиб борилгани таҳлил қилинган, АҚШ ташқи сиёсатида Марказий Осиё кун тартибини белгилашда иштирок этган мутахассисларнинг фикр ва қарашлари чуқур ўрганилган.

АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан ёндашувларини изоҳлашда «дастурловчи ҳамкорлик» атамасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки «дастурловчи ҳамкорлик» стратегияси томонлар олдида турган вазифаларни, яъни АҚШнинг минтақа давлатлари билан биргаликдаги ҳаракатлари ва соҳаларини ўз ичига олган масалаларни олдиндан аниқлашга қаратилган ҳаракатларни ўзида жамлайди<sup>1</sup>.

Ушбу параграфдаги янги ғоялардан бири шундан иборатки, «дастурловчи ҳамкорлик» стратегияси АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларида биринчи ўринга чиққан. Бу икки кутбли тизим барҳам топгандан кейинги даврдаги халқаро муносабатларнинг қўплаб долзарб муаммоларни англашга йўналтирилган турли назариялар - можарошунослик, сув ва чегара муаммолари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар билан тўлган бир даврда юз берди.

АҚШ сиёсатини шакллантирувчи доиралар ва сиёсатчиларнинг халқаро хавфсизлик ҳамда Америка кадриятларини жаҳон узра тарқатиш масалаларига бағишланган баҳолари Марказий Осиёга нисбатан ягона минтақа сифатида қаралган «дастурловчи ҳамкорлик»нинг ишлаб чиқилиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнади.

Шу тариқа, Вашингтон АҚШ ташқи сиёсатининг асосий концептуал устунларидан бири бўлган барча «демократияга мухтож» мамлакатларда уни тарғибот қилиш ва сингдириш борасида «тарихий миссия»дан ҳеч қачон воз кечмаган. Натижада, бу ғоя 1993 йил сентябрда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Э.Лэйк томонидан илгари сурилган «демократиянинг кенгайиши» атамасида ўз рўёбини топди. Бу концепциянинг мақсади Совет республикаларининг демократлашувига ёрдам беришдан иборат бўлиб, унда АҚШ ташқи сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган «ёш демократиялар»да Америка қардиятлари таъсирини кенгайтириш назарда тутилган эди.

**«Марказий Осиё хавфсизлиги геосиёсий константларини аниқлаш босқичлари»** номли иккинчи бобда Марказий Осиёдаги геосиёсий

---

<sup>1</sup> Эҳтимолий нотўғри талкиларнинг олдини олиш учун аниқлик киритиш керакки, «дастурловчи ҳамкорлик» атамаси илмий муомалага россиялик тадқиқотчи М.Троицкий томонидан киритилган. (қаранг: Троицкий М. Концепция «программирующего лидерства» в евроатлантической стратегии США // Pro et contra. - 2002. Осень. – С.86-103). Бу тушунча Американинг ҳамкор давлатларга нисбатан сиёсатининг ўзига хосликларини аниқ ифодалаб беради. «Дастурловчи ҳамкорлик» АҚШнинг халқаро муносабатларнинг бошқа субъектларига нисбатан етакчи давлат сифатидаги муносабатда бўлишини назарда тутди.

Ўзгаришлар ва АҚШнинг минтақадаги стратегик мақсадларининг шаклланиши, Россия омилини ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий-дипломатик алоқаларни ўрнатиш механизмларининг ўзига хос жihatлари, шунингдек, АҚШ ва Россиянинг ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида Марказий Осиёнинг тутган ўрни ёритилган.

*«Марказий Осиёдаги геосиёсий ўзгаришлар ва АҚШнинг минтақадаги стратегик мақсадларининг шаклланиши»* деб номланган биринчи параграфда собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиши ва янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидан сўнг юзага келган янги геосиёсий воқеълик атрофлича ўрганиб чиқилган. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Россия минтақадаги вазият устидан тўлиқ мажбурият олишдан манфаатдор эмаслиги ва бош тортаётгани маълум бўлди. Адолат нуқтаи назаридан таъкидлаш жоизки, кўплаб ечимини кутаётган ички сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги сабабли Россия мазкур мажбуриятни ололмас эди ҳам.

Бундай вазиятда Марказий Осиё давлатлари давлатчилик асосларини яратиш, иқтисодий-ижтимоий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга доир муаммоларни хал этишга кўмак бера оладиган ҳорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатишга киришдилар.

АҚШ Марказий Осиё - Афғонистон - Яқин Шарқ - Жанубий-Шарқий Осиёда янги геосиёсий ва геоиқтисодий боғлиқликни шакллантиришга интилди. Бундай геосиёсий ва геоиқтисодий тузилманинг юзага келиши (мазкур минтақалар ўртасида мустаҳкам иқтисодий алоқалар ривожланган тақдирда) Вашингтоннинг глобал мақсадларига мос келар эди.

АҚШнинг минтақадаги стратегияси эволюцияси таҳлили асосида унинг Марказий Осиёга қаратилган сиёсатини бир неча даврларга бўлиш мумкин. 1990 йилларнинг биринчи ярмини қамраб олувчи биринчи давр Американинг минтақадаги сиёсатини аниқлаб берувчи бир неча омиллар билан тавсифланади. Улардан энг муҳими - Оқ уй маъмурияти Эроннинг Марказий Осиёга яқинлигини инобатга олган ҳолда минтақада исломийликка мойилликни кучайиб кетишидан хавфсираган.

Иккинчи даврда (1996-2001 йй.) АҚШ стратегиясида янги устувор йўналишлар пайдо бўлган. Масалан, Каспий денгизи углеводород захиралари муаммолари, Россия ва Эронни айланиб ўтишга қаратилган Боку-Тбилиси-Жейхан нефт қузури лойиҳаси муаммоси. 1997 йилда Марказий Осиё ва Каспий минтақалари АҚШ Ҳарбий кучлари Бош қўмондонлиги томонидан «ҳаётий муҳим манфаатлар ҳудуди» сифатида эътироф этилган ва унинг ҳарбий мажбуриятлари доирасига киритилган.

Учинчи даврнинг бошланиши (2001-2005 йй.) АҚШда юз берган мудҳиш 11 сентябр воқеалари билан боғлиқ. Бу даврга келиб АҚШ минтақада ўз ҳарбий-стратегик иштирокини амалга ошира бошлади ва бу жараёнга НАТОни фаол равишда жалб қилди. Вашингтоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорлиги ниҳоятда жадал суръатларда кенгая бошлади. Айни пайтда АҚШ ўзининг «демократияни

қўллаб-қувватлаш» миссияси доирасида минтақа давлатлари ҳукуматларини инсон ҳуқуқларини бузилиши юзасидан қаттиқ танқид қилиб босим ўтказиб келди, оқибатда бундай ёндашувлар минтақа ва Оқ уй ўртасидаги муносабатларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

*«Россия омили контекстида АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий-дипломатик алоқалари механизмларининг ўзига хос жиҳатлари»* номли иккинчи параграфда Марказий Осиёнинг АҚШ ташқи сиёсатида тутган ўрни ва аҳамияти мазкур минтақа давлатларининг Россия, Хитой, Эрон ва Афғонистон билан чегарага эга эканлиги ҳамда Ҳиндистон ва Покистонга яқин жойлашганлиги билан белгиланишига оид мулоҳазалар ўрганилди.

Муаллиф томонидан АҚШ билан Марказий Осиё давлатларининг сиёсий-дипломатик алоқалари юзасидан амалга оширилган янги ретроспектив таҳлил шуни кўрсатадики, 1990 йиллардан бошлаб АҚШ минтақадаги сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракатлари асосида икки ёқлама мақсадни кўзлаган – биринчидан, минтақада ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда Москва таъсирини чеклаш ёки камайтириш, иккинчидан, минтақада Россиядан ёки АҚШга салоҳиятли рақиб бўла оладиган бошқа давлатдан батамом мустақил ташқи сиёсат юритиш учун шароит яратиш.

Россияда 1990 ва 2000 йилларда Марказий Осиёда АҚШ ва Ғарб таъсир доирасининг кенгайиши турлича баҳоланган – алармизм ва вақти-вақти билан шовинизм руҳидаги (барча куч ва воситаларни ишга солиб АҚШнинг минтақадаги сиёсатига тўсқинлик қилишга чақирадиган) қарашлардан тортиб, Марказий Осиёдаги алоҳида масалалар юзасидан, жумладан, минтақадан келиб чиқаётган хавфсизликка таҳдидларни олдини олишда АҚШ ва Европа Иттифоқи билан яқин ҳамкорлик ўрнатишни илгари сурган қарашларгача намоён бўларди.

АҚШнинг Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий-дипломатик алоқалар олиб бориш механизмлари америкалик тадқиқотчилар ва сиёсатчиларда минтақадаги жараёнлар тўғрисида ҳамда унинг Америка глобал сиёсатида тутган ўрни ҳақидаги тушунчаларнинг кенгайиши оқибатида улар ўзгариб ва такомиллашиб борган. Шу билан бирга, тадқиқотдан маълум бўлдики, Марказий Осиё ҳеч қачон АҚШнинг махсус иқтисодий манфаатлари жойлашган минтақа бўлиб ҳисобланмаган, ҳаттоки Каспий денгизи энергетик ресурслари захираларидан фойдаланиш контекстида ҳам. Ушбу даврда АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сиёсий-дипломатик алоқалар асосан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларини қамраб олган.

*«Марказий Осиё АҚШ ва Россияда ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида (қиёсий-тарихий таҳлил)»* деб номланган учинчи параграфда АҚШ ва Россияда Марказий Осиё минтақасига нисбатан ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этувчи муҳим омиллар ўрганиб чиқилди. Қиёсий-тарихий таҳлил ёрдамида АҚШ ва Россияда ташқи сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида Марказий Осиёнинг тутган ўрнини баҳолаб, мазкур жараён бир неча тарихий босқичларга ажратилди.

Бунинг натижасида Вашингтон ва Москванинг Марказий Осиёга нисбатан ёндашувлари тизимлаштирилди ва улар томонидан эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида тушунчалар шаклланишига эришилди.

Диссертация доирасида биринчи марта амалга оширилган АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсий ёндашувларининг шаклланиши босқичларининг қиёсий-тарихий таҳлили ва тизимлаштириш ёрдамида Вашингтоннинг стратегик векторларининг алмашилиши таъсирида АҚШнинг минтақадаги йўналишлари динамик тарзда ўзгарганлиги аниқланди. Шунга қарамай, ҳар қандай вазиятда ҳам АҚШ томонидан дунёда ҳукмронлик ўрнатиш мақсади ўзгармай келган.

Марказий Осиёга татбиқан Россия-Америка муносабатлари динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, Москва ва Вашингтоннинг ўзаро ҳаракатлари икки даражали характерга эгадир. Биринчи даража – хавфсизлик масалаларида ёндашувларнинг ўзаро муштараклашуви, шу жумладан, халқаро терроризм ва наркотиклар савдоси масалалари бўйича умумий манфаатдорлик. Иккинчи даража, минтақавий муаммоларни қамраб олган бўлиб, инерцион ҳолатда, Россия ва АҚШ геосиёсий манфаатларига боғлиқ муаммолар бўлиб, улар камдан-кам ҳолатларда ягона маслаққа йўналтирилган. Бинобарин, фақатгина маълум жабҳаларда, Америка манфаатлари мос келган соҳа ва йўналишларда АҚШ Россияни қўллаб-қувватлаган.

Умумий қилиб айтганда, Вашингтоннинг Марказий Осиёдаги янги ташқи сиёсати доирасида Россияга фақатгина минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш йўналишида фаолият кўрсатиш роли берилган.

**«АҚШнинг Марказий Осиёда иқтисодий ва геознергетик манфаатлари эволюцияси»** деб номланган учинчи бобда АҚШнинг Марказий Осиёдаги иқтисодий сиёсати босқичлари, 2008-2009 йиллардаги умумжаҳон иқтисодий инқирози даврида минтақадаги иқтисодий жараёнларга нисбатан АҚШнинг ёндашуви ҳамда Вашингтоннинг Марказий Осиё минтақаси ва Каспий денгизи кўрфазидаги энергетик сиёсатининг ўзгариши чуқур таҳлил қилинди.

Мазкур бобнинг *«АҚШнинг Марказий Осиёда иқтисодий иштирокининг шаклланиш параметрлари»* номли биринчи параграфиди Вашингтоннинг минтақа давлатларига нисбатан сиёсатининг шаклланишида иқтисодий манфаатларнинг аҳамияти кўриб чиқилган.

1990-2008 йиллар мобайнида АҚШнинг Марказий Осиёда иқтисодий жиҳатдан иштироки таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур йўналиш Американинг минтақадаги сиёсатининг устувор жабҳаларидан бири бўлиб келган.

Америка стратегик ёндашувлари нуқтаи назаридан Марказий Осиёнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: 1) жўғрофий жиҳатдан минтақанинг АҚШдан узоқда жойлашганлиги ва транспорт-коммуникацион ёпиқлиги; 2) Марказий Осиё давлатларидаги бозор инфраструктураларининг номутаносиб ривожланганлиги; 3) АҚШнинг Россия, Эрон ва Хитойга нисбатан геосиёсий стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари.

Вашингтон томонидан Марказий Осиё учун транспорт-коммуникация инфраструктураларнинг муҳимлигини белгилаш орқали минтақада Россияни айланиб ўтадиган муқобил қатнов йўллари, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш Америка стратегиясининг устувор йўналиши этиб белгиланишига сабаб бўлди.

1996 йилдан сўнг «Тэболт доктринаси» доирасида шаклланган ёндашувга кўра, Марказий Осиёда муайян давлат ёки давлатлар иттифоқининг очиқ ҳукмронлигига йўл қўймаслик лозим эди. Шу мақсадда Б.Клинтон маъмурияти «кавказ коридори» орқали Боку-Тбилиси-Жейхан қувур йўлини қуриш режасини амалга оширди. Бу лойиҳа Москванинг мазкур йўналишдаги яқка ҳукмронлигига бутунлай чек қўйишга қаратилган эди.

Айни сиёсат муайян мазмунда минтақа давлатларининг манфаатларига ҳам мос келарди. 1990 йиллар ва 2000 йилларнинг бошларида бундай ёндашув Марказий Осиё ва АҚШ ҳамкорлигининг тобора ривожланиши гарови бўлди. Тобора вақт ўтиши билан эса АҚШ иқтисодий стратегияси бир ёқламалик хусусиятини кашф эта бошлади, чунки Вашингтон минтақа ривожини динамикаси, мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва уларнинг иқтисодий манфаатлари эволюциясини ҳар доим ҳам инобатга олмасди.

АҚШ билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, тадқиқ этилган давр мобайнида минтақа мамлакатларини иқтисодий ривожланиш масалаларини комплекс равишда ҳал этиш, аҳоли турмушини фаровонлаштириш юзасидан тизимли ислоҳотларни амалга ошириш, ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида Вашингтонда аниқ чора-тадбирлар режаси бўлмаган. Бинобарин, Американинг минтақадаги сиёсати унинг тактик манфаатлари ва жорий вазифаларига боғлиқ бўлиб, улар кўпинча Россия, Эрон ва Хитой каби қудратли давлатлар билан ўзаро муносабатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган.

*«2000 йиллардаги жаҳон инқирози шароитида минтақадаги иқтисодий жараёнларга нисбатан АҚШнинг ёндашувлари»* номли иккинчи параграфда жаҳон иқтисодий инқирозининг Марказий Осиё давлатларига кўрсатган таъсири ва АҚШнинг мазкур масала юзасидан ёндашувлари тадқиқ қилинган. Бу тадқиқот Б.Клинтон ва кичик Дж.Буш президентлиги даврида Америка-Марказий Осиё муносабатларини ўрганишда янги йўналиш ҳисобланади.

2000 йиллардаги жаҳон инқирози бир қанча омилларга кўра нафақат иқтисодий, балки геосиёсий оқибатларга олиб келди: йирик олтин-валюта захираларига эга бўлиб олган ривожланаётган давлатлар (энг аввало, ХХР) ривожланган ва ривожланаётган бозорларда энг асосий сармоядордан бирига айланди. Шу билан бирга инқироз оқибатида ривожланаётган иқтисодиётлар ривожланган мамлакатлар билан эмас, айни ривожланаётганлар билан ҳамкорлик кўламини кенгайттирдилар; инқироз оқибатлари Вашингтон консенсуси тизими (бозор кучлари ролини ошириш ва давлат секторини ролини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи) долзарблигини

шубҳа остига қўйди; АҚШ олиб борган унилатерализм сиёсати натижасида кўпгина давлатлар Вашингтоннинг таъсиридан чиқиш ёки ўз барқарорлигини таъминлаш мақсадида бошқа кучлар ёки коалицияларга кириш илинжида бўлдилар. Ўз навбатида Қўшма Штатлар дунёнинг стратегик жиҳатдан муҳим бўлган минтақаларда ўз позицияларини сақлаб қолишга қаратилган тизимли ва фаол чоралар кўришга мажбур бўлдилар.

Қайд этилган омиллар ва 2000 йилларда юзага келган вазиятлар халқаро ҳамжамиятда кўп кутбли дунё тартиботига эҳтиёж сезилганини кўрсатди.

Шунга қарамай, 2000 йилларда хом ашё ресурслари нархларининг ўсиши натижасида Марказий Осиё давлатлари икки ёқлама қарама-қарши вазиятга тушиб қолди. Бир томондан, баъзи давлатларда хом ашё нархининг ўсиши унинг экспортдан тушадиган фойданинг ошишига, иқтисодий саноатлаштиришга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамда аҳоли яшаш даражасини оширишга қаратилган ижтимоий дастурларни молиялаштириш имконини очиб берди. Иккинчи томондан, табиий ресурслар нархларининг ўсиши айрим давлатлар экспортида хом ашё улушининг ошишига ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноатни ривожлантиришга бўлган интилишларининг сусайишига олиб келди. Хом ашё ресурслари танқис бўлган давлатлар – Қирғизистон ва Тожикистон учун эса импорт тан нархининг ошиши ва давлат бюджетлари учун ортиқча харажатларнинг кўпайиб кетиши сингари муаммоларни келтириб чиқарди.

Марказий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий вазият АҚШ сиёсатининг устувор йўналишлари сарасига кирмаган. Бу масалага Вашингтон Россиянинг минтақадаги таъсирини ошишига йўл қўймаслик нуқтаи назаридан ёндашган. Ўз навбатида Россия ўзининг «қувур дипломатияси»дан минтақада ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий ташаббусларини илгари суриш йўлида тиргак восита сифатида фойдаланиб келган. Россия компаниялари минтақадаги нефт ва газни қазиб олиш ва энергоресурсларни етказиб бериш соҳаларига йирик сармоялар киритишган. Бундай вазиятда Вашингтон Марказий Осиё нефт ва газ захираларини Россияга муқобил йўллар орқали дунё бозорларига олиб чиқишга қаратилган сиёсатни давом этди. Бироқ, бу масалада АҚШ асосан сиёсий баёнотлар билан чекланган ҳолда ҳеч қандай молиявий ёки ҳарбий-сиёсий ёрдам кўрсатмади. Бундай ҳолат у ёки бу энергетика соҳасидаги лойиҳани амалга оширишни тубдан қийинлаштирди, ваҳоланки уларни амалга тадбиқ қилиш катта миқдорда молиявий сармоялар киритиш ва тегишли тарзда хавфсизликни таъминлашни талаб этарди.

*«АҚШнинг Марказий Осиё ва Каспий денгизидаги энергетика соҳасидаги сиёсатининг ўзгариши»* номли учинчи параграфда тадқиқ этилаётган даврдаги АҚШнинг Марказий Осиё ва Каспий денгизига қаратилган энергетика соҳасидаги сиёсати синчиковлик билан таҳлил қилинган. Совет Иттифоқининг парчаланиши натижасида АҚШ олдида углеводород хом ашёсини ишончли етказиб беришга йўналтирилган сиёсат олиб бориш учун янги имкониятлар очилгани кузатилди. Бир томондан, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлашган Россиянинг ўзи энергетик

хавфсизликни таъминлашда АҚШнинг муҳим ҳамкорларидан бирига айланиши мумкин эди. Иккинчи томондан, 1990 йилларнинг ўрталарида Марказий Осиё ва Кавказда илгари маълум бўлмаган ва қайта ишланмаган углеводород хом ашёси манбалари очилди.

Марказий Осиёнинг энергетик ресурслари биринчи навбатда АҚШ, кейинчалик бошқа кудратли давлатлар учун ҳам ўз таъсирини ўтказиш, Евроосиёда геосиёсий рақобатни амалга ошириш механизмларидан бирига айланиб қолди. АҚШнинг минтақадаги энергетик сиёсати Марказий Осиё ресурсларини жаҳон бозорига чиқиши ва Ғарб компаниялари капитали иштирокини таъминлаш, маҳсулотни жаҳон бозори нархларида сотиш ва харидорлар сонини кўпайтириш шиорлари нуктаи назаридан баҳоланган эди. АҚШ энергетик сиёсатининг бош ғояси араб давлатларига энергетик жихатдан қарамликни камайтириш ва келгусида энергетик хавфсизлигини мутахкамлаш мақсадида муқобил қувурлар йўналишлари бўйича лойиҳаларни илгари суриш, «Марказий Осиё давлатлари ва салоҳиятли углеводород харидорлари билан кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйиш», шунингдек, «Америка бозорларига нефтни етказиб беришни диверсификациялаш эди»<sup>1</sup>.

Айтиш жойизки, ўша даврдаги АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан қаратилган сиёсий-дипломатик, ҳарбий-сиёсий, гуманитар соҳалардаги дастурлари давлат қурилиши жараёнларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, улар АҚШнинг Марказий Осиё ва Кавказдаги бош геосиёсий вазифалари бу ерда эндигина юзага келган давлатлар мустақиллигини мустахкамлаш ва уларни Россия таъсири доирасидан чиқариб олишга қаратилган эди.

АҚШ ва Ғарб давлатларининг 1991 йилдан кейинги сиёсати нафақат Марказий Осиёнинг энергетик салоҳиятини дунёга очиб берди, балки минтақа давлатларининг дунё бозорларига чиқиш йўлида фаол сиёсат олиб боришига сабаб бўлди. Бугун мазкур давлатларнинг нефт ва газ ресурслари нафақат шимолий йўналишда, балки ғарбий ва шарқий йўналишларда ҳам экспорт қилинмоқда. Нефт ва газга нисбатан нархларнинг кескин ўсиши натижасида экспортдан тушадиган фойданинг ошиши минтақа давлатларида муҳим иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш имконини яратди.

Марказий Осиё давлатлари тараққиёти янги босқичида саноатлашув ва ишлаб чиқариш диверсификациясини кучайтириш учун минтақа давлатлари ўртасида кенг қамровли ҳамкорлик зарур. Бу эса молиявий ресурсларга, технологияларга, ва энг асосийси, янги бозорларга киришни талаб этади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида АҚШ стратегиясининг шаклланиши ва ривожланиши**» масалаларига бағишланган бўлиб, Б.Клинтон маъмуриятининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик ва хавфсизлик соҳасида алоқалар ўрнатишга қаратилган фаолияти,

---

<sup>1</sup> Blank S. U.S. interests in Central Asia and the challenges to them // Strategic studies institute, March 2007. – P.4.

терроризмга қарши кураш, Афғонистондаги уруш ва кичик Ж.Буш маъмурияти даврида АҚШнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари қайта идрок қилинган, шунингдек, Россия ва АҚШ ўртасида Марказий Осиё хусусидаги зиддиятларнинг геосиёсий жиҳатлари ва минтақавий хавфсизлик муаммолари ўрганилган.

Мазкур бобнинг «*Минтақа давлатлари билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни ва хавфсизлик соҳасида алоқаларни ривожлантириш борасида Б.Клинтон маъмуриятининг сиёсати*» номли биринчи параграфиди Б.Клинтон маъмуриятининг ҳокимиятга келишидан сўнг Марказий Осиё давлатларига нисбатан АҚШ ташқи сиёсати янги босқичи ўрганилган. Б.Клинтоннинг президентлиги даврида Оқ уй «кенгайтириш» ва «иштирок этиш» концепцияси асосида янги ташқи сиёсат олиб боришга киришди. Мазкур стратегия янги пайдо бўлган мустақил давлатлар ривожини, улар суверенитетини мустаҳкамлаш, демократик ва бозор иқтисодиётига ўтишига қаратилган ислоҳотларни амалга оширишга ёрдам кўрсатиш сингари мақсад ва вазифаларни қамраб олган эди. АҚШ ғарбий демократик қадриятлар ва эркин бозор тамойилларини кенг ёйиш, халқаро ташкилотларнинг фаолиятини мазкур қадриятларга бўйсундириш сиёсатини олиб борди.

Минтақавий хавфсизлик соҳасида Б.Клинтон маъмурияти даврида Марказий Осиё ва АҚШ муносабатларида трансчегаравий таҳдидлар (халқаро терроризм ва диний экстремизм, наркобизнес ва наркотранзит, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига йўл қўймаслик, уюшган жиноятчилик) билан кураш борасида ҳамкорликни кучайтиришга жиддий ёндашди. Вашингтоннинг минтақавий сиёсати асосан Марказий Осиё ва Кавказда Америка учун стратегик жиҳатдан мувозанатлашган муҳитни яратишга қаратилган эди.

Диссертантнинг ушбу мавзу юзасидан олиб борган тадқиқоти АҚШ ва минтақа давлатлари ўртасидаги ёндашувлардаги янги фарқларни аниқлаш имконини берди: инсон ҳуқуқлари ва диний эркинликлар билан боғлиқ вазиятни асоссиз «танқид қилиш»; минтақа давлатлари ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар изчиллиги ва характери бўйича ёндашувларнинг мос келмаслиги. Бундай тафовутлар мафкуравий характерга эга бўлиб, субъектив характердаги анъанавий Америка жамоатчилиги фикридан келиб чиққан эди.

Умуман олганда, 1992 йилдан бошлаб АҚШнинг Марказий Осиёга қаратилган ташқи сиёсатига «селектив иштирок» («*Selective Engagement*»)<sup>1</sup> деб тавсифлаш мумкин. Бунда кучлар мувозанатини таъминлаш сиёсатининг муайян элементлари мавжуд бўлса-да, АҚШ Марказий Осиё минтақасига нисбатан узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқишга киришмаган. Геосиёсий мақсадларнинг соддалашуви оқибатида Қўшма Штатлар фақатгина энергетика соҳасига сармоя киритиш ва икки томонлама келишувлар орқали

<sup>1</sup> Ушбу тушунча биринчи бўлиб америкалик олим Р.Арт томонидан Американинг «совуқ уруш»нинг охирида амалга оширган стратегиясини очиб беришда ишлатилган бўлиб, кейинчалик Б.Клинтон ва кичик Ж.Буш маъмуриятларининг «мажбурлов дипломатияси» кўринишида номоён бўлди (қаранг: Art R., *The Strategy of Selective Engagement // The Use of Force: Military Power and International Politics* / ed. by Art R., Waltz K. – N.Y.: Rowman & Littlefield Publishers, 2009. – P.327-348.; Stein K. *The Bush Doctrine: Selective Engagement in the Middle East // Middle East Review of International Affairs*. – 2009. – Vol.6, №2(June).

хамда НАТО доирасида ҳарбий-сиёсий соҳада ҳамкорликни ривожлантириш билан чекланиб келди. Минтақа давлатлари билан Вашингтон ўртасида мустақам икки томонлама алоқалар ўрнатилганига қарамай, унинг сиёсати комплекс минтақавий ёндашувга асосланмаган ва стратегик нуқтаи назардан чуқур ўйланмаган эди.

*«Терроризмга қарши кураш, Афғонистондаги уруш ва кичик Ж.Буш маъмурияти даврида АҚШнинг Марказий Осиёдаги устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш»* деб аталган иккинчи параграфда АҚШнинг Марказий Осиёдаги барча соҳалардаги стратегик манфаатлари батафсил ўрганилган.

Бу даврда АҚШ стратегияси четида жойлашган давлатлар ва минтақалар, хусусан, Марказий Осиё, Вашингтон томонидан умуман бошқа қаблда кўрила бошланди. Бу давлатлар АҚШнинг кенг қамровли аксилтеррор сиёсатида ҳамкор давлат ёки иштирокчи сифатида баҳолана бошланди.

Кичик Ж.Буш маъмурияти аъзолари АҚШнинг жаҳондаги янги сиёсатини рақобатдош сиёсий жараён асосида ишлаб чиққан бўлсалар, Нью-Йорк ва Вашингтонда рўй берган террористик хужумлардан сўнг эса Оқ уй олдида терроризмга қарши умужаҳон кампаниясини бошлашдан бошқа чора қолмаган эди. Бунда Америка халқига қарши ҳар қандай таҳдидни ҳарбий, сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда бартараф этиш мақсад этиб белгиланди.

АҚШ ташқи сиёсатидаги вақтинчалик бўлса-да, ўта муҳим ўзгаришлардан бири Россия эндиликда биринчи даражадаги таҳдид сифатида баҳоланмаётганлиги эди. Бундан ташқари, халқаро терроризмга, шу жумладан, Афғонистонда бошпана топган террористик гуруҳларга қарши курашда манфаатлар муштарақлиги Москва ва Вашингтоннинг қарашлари жиддий яқинлашувига сабаб бўлди.

Ўрта ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Марказий Осиёнинг чорраҳасида жойлашган, нотинч араб-мусулмон олами ва Кашмир билан сиёсий-психологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ, макроминтақа барқарорлигига таъсир кўрсата оладиган Афғонистоннинг геосиёсий жиҳатдан ноёблиги ҳақидаги ўй-фикрлар Америка сиёсий доираларида кенг муҳокама қилина бошлади. Вашингтоннинг Афғонистонга нисбатан комплекс стратегик ёндашуви АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида кенг кўламли ҳамкорликка замин яратди.

Бинобарин, Вашингтон Афғонистон ва Марказий Осиёдаги вазият учун жавобгарликни НАТО доирасидаги иттифоқдош давлатлар, хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари зиммасига юклашга уринди. Аслини олганда бундай ёндашув АҚШнинг минтақани ўз хохиши билан тарк этишини англатарди. Бироқ, кичик Ж.Буш маъмурияти ҳам, Б.Обама маъмурияти ҳам бунинг уддасидан чиқа олмади. Натижада 2010 йилдан сўнг АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқалар аста-секинлик билан қайта тиклана бошланди. Айни маҳалда АҚШ минтақавий сиёсатида кенг қамровли стратегиянинг мавжуд эмаслиги, минтақавий хавфсизлик муаммолари ва иқтисодий тараққиёт масалаларини чуқур англаб етмаслик ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

«Россия ва АҚШ ўртасидаги зиддиятларнинг геосиёсий жабҳалари ва Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммолари» деб номланган учинчи параграфда Марказий Осиё ва Афғонистондаги хавфсизликни таъминлашга оид масалалар АҚШ ва Россия ўртасида кучайиб бораётган рақобат нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Минтақа давлатлари ўртасида очик куролли тўқнашувлар юзага келиши тўғрисидаги баъзи тахминларга қарамай, Марказий Осиё давлатлари ҳар қандай жиддий масалалар юзасидан доимо ўзаро келиша олишган. Марказий Осиё халқлари ўртасида мавжуд бўлган тарихий, маданий, иқтисодий ва бошқа турли хил алоқалар туфайли минтақа давлатларида турли жабҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришдан бошқа муқобил йўл мавжуд эмас.

Ўзининг географик жойлашувига кўра, Марказий Осиё минтақавий ва глобал кучлар, энг аввало, Россия ва АҚШнинг геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлари тўқнашган макондир. Кучлар ўртасидаги ўзаро алоқалар баъзида минтақа давлатлари орасида низоларни олдини олиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга имкон берадиган «ҳамкорлик динамикаси» сифатида, баъзида эса янги зиддиятларни пайдо бўлиши ва вазиятни янада кескинлашувига олиб келувчи «низолари динамикаси» сифатида тавсифланади. Етакчи давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалари динамикаси минтақа давлатларига таъсир кўрсатиши табиий ҳолат бўлиб, улар ўртасидаги рақобат ва зиддиятлар Марказий Осиё геосиёсатида намоён бўлади.

Ушбу иш доирасида тадқиқ этилган даврдаги Россия-Америка ўртасидаги рақобат кўринишлари таҳлили шуни кўрсатдики, улар ўртасидаги зиддиятлар Марказий Осиёда хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва барқарор иқтисодий ривожланишни қийинлаштириб келди. Ҳар икки қудратли давлат ўз рақобатчиси томонидан олға сурилган ташаббусни ўз манфаатларига қарши қаратилган хавф сифатига қабул қилиб, манфаатлар мувозанатида асосланган барқарорлик ғоясидан четлашди ва натижада ҳамкорлик йўлида самарали аснолар яратилмади. Минтақадан ташқари кучлар Марказий Осиёда ўзларининг амалга ошираётган ташаббусларини ўз таъсир доирасини ошириш ва рақобатчиларга қарши туриш механизми сифатида ишлатишга уриниб келдилар. Марказий Осиё давлатларининг манфаатлари нуқтаи назаридан эса минтақада ҳеч қайси ташқи кучнинг мутлоқ устун келиши мақул эмас. Умуман олганда, АҚШ ва Россия сиёсатида туб ўзгаришларнинг мавжуд эмаслиги минтақавий тараққиёт динамикасини ортга сурди ҳамда Вашингтон ва Москвадан янада жиддий прагматик ва мослашувчан сиёсат олиб боришни тақозо этарди.

Марказий Осиё мамлакатлари жаҳон геосиёсатининг мустақил субъектлари сифатида шаклланиш босқичини бошидан кечирмоқда ва бу жараён давлат раҳбарлари ва халқлардан кучли сиёсий ирода ва вақт талаб этади. Марказий Осиё ўзини фақат тарихан шаклланган янога «маданий ва иқтисодий организм» каби давлатлар йиғиндиси сифатида эмас, балки босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегик манфаатларига эга бўлган ўзига хос геосиёсий ва маданий бирликка айланиши лозим.

Бобда ишлаб чиқилган хулосага кўра, ҳозирги босқичда долзарб вазифалар йиғилиб қолган муаммолар, энг аввало, хавфсизликни таъминлаш масалаларини минтақа давлатларининг тобора аниқ намоён бўлаётган миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда умумий ечимни тақозо этмоқда. Минтақа давлатларига ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий масалалар юзасидан ўз ёндашувларини муштараклаштириш устида ишларлари лозим. Бу Марказий Осиё сиёсий-иқтисодий маконининг кичик бўлақларга бўлиниб кетишини олдини олади. Ҳорижий ҳамкорлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни амалга оширишда умумий ёндашувини ишлаб чиқиш орқалигина минтақада чуқур ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин дир.

## ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти давомида унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатини тушунишга имкон берадиган кенг қамровли қиёсий-тарихий таҳлил асосида яқунловчи қисмда бир қатор хулосалар, фикр ва таклифлар ишлаб чиқилди.

I. АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсати концептуал асослари таҳлили шуни кўрсатдики, 1990 йилларда Марказий Осиё Америка ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари сарасига кирмаган. АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсати Американинг кўшни минтақалардаги манфаатларини олға суришда тутган ўрни билан белгиланган. Совет Иттифоқининг парчаланишидан сўнг Марказий Осиё Вашингтон учун Оммавий қирғин қуролларини тарқатишга қарши кураш жабҳасида муҳим аҳамият касб этган. Марказий Осиёда стратегик манфаатларни амалга оширишда АҚШ минтақа давлатлари томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсат, хусусан, хавфсизлик соҳасидаги фаолиятнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга интилмаган. АҚШ янги пайдо бўлган мустақил давлатларда демократик ва бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиш ва минтақада барқарорликни таъминлашдан манфаатдор эди. Шундай қилиб, АҚШ халқаро муносабатларнинг тизимости минтақавий ўзгаришлари эволюцион характерга эга бўлиши лозим деган тамойилга амал қилган ва шу билан бирга, АҚШнинг минтақадаги иқтисодий манфаатлари етарлича салмоқли бўлмаган.

II. АҚШнинг Марказий Осиё бўйича стратегик мақсадлари ва геосиёсий ёндашувларини аниқлаш вазифаси юзасидан қуйидаги хулосага келинди: 1997 йилда Марказий Осиё АҚШ ташқи сиёсатининг мустақил объектига айланди. АҚШнинг минтақавий сиёсатида асосий аҳамият Ўзбекистон билан сиёсий ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди. Бунинг баробарида АҚШ ва Қозоғистон ўртасида ҳам сиёсий ва ҳарбий алоқалар ривожлана бошлади. Бироқ, Б.Клинтон маъмурияти томонидан илгари сурилган Марказий Осиёдаги низоларни ҳал қилиш бўйича кўп томонлама минтақавий институт яратиш сингари ташаббуслар АҚШнинг минтақадаги сиёсатида ўз аксини топмади.

1990 йиллар охирига қадар АҚШ афғон можароси, исломий ва террористик гуруҳларнинг фаоллашувига эътибор қаратмади. Б.Клинтон маъмуриятининг Марказий Осиёдаги сиёсатида ҳарбий-сиёсий соҳадаги ҳамкорликни минтақа давлатлари кутган даражага олиб чиқишга тайёр эмасди. Бошқача айтганда, АҚШ минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан мажбурият олишдан манфаатдор эмас эди.

Шунга қарамай, таъкидлаб қтиш жоизки, АҚШнинг ушбу даврдаги минтақавий сиёсати Марказий Осиё халқаро муносабатлар тизимининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. АҚШнинг минтақада фаоллашуви Марказий Осиё давлатлари учун ташқи сиёсий алоқалар йўналишлари ва ҳамкорларини кенгайтиришга имкон яратди. Бу эса ўз навбатида минтақа

давлатларининг халқаро сиёсий майдонда тўлақонли субъекти бўлиб шаклланиш жараёнини тезлаштирди.

III. АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсати эволюциясида муҳим омил сифатида 1999 йилда Тошкентда рўй берган террористик қўпуровчилик ҳаракати, «Ал Қоида» томонидан АҚШнинг бир қанча объектларига қарши, хусусан, Кения ва Танзаниядаги элчихоналарига қарши уюштирилган террористик ҳужумлар хизмат қилади. АҚШ Марказий Осиёда террористик таҳдидларга қарши курашга катта эътибор қарата бошлади.

Халқаро терроризм таҳдидининг тобора кучайиши, АҚШ ва Россия ўртасида геосиёсий зиддиятларнинг кескинлашуви Вашингтон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайишига олиб келди. Бир қатор мутахассислар таъкидлаганидек, 1999 йилдан 2005 йилга қадар, жумладан 2001-2003 йилларда хавфсизликни таъминлаш соҳасида Вашингтон ва Тошкент жуда яқин ҳамкорлик олиб борган.

Вашингтон Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа давлатлари билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилган бўлса-да, Б.Клинтон маъмурияти даврида АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатида кенг қамровли минтақавий ёндашув ва аниқ мазмун касб этган стратегия ишлаб чиқилмади. 1990 йиллар охирида юзага келган Марказий Осиёдаги трансчегаравий хавфсизлик муаммоларининг долзарблигига қарамай, АҚШ минтақада хавфсизликни таъминлаш масалаларига тўғридан-тўғри иштирок этишдан ўзини тортди. Вашингтон ислом экстремизми таҳдиди туфайли юзага келган Россия ва Хитой ўртасидаги кучайиб бораётган минтақавий зиддиятларга аралашшдан манфаатдор эмас эди. Шундай қилиб, АҚШнинг 1990 йиллардаги сиёсатини минтақадаги «ўзаро» низоларга аралашмаган ҳолда Марказий Осиёдаги жараёнларни кузатиб бориш ва уларга таъсир этиш имконини сақлаб қолишга интилиш билан изоҳлаш мумкин.

IV. 2001 йил январда ҳукуматга келган Ж.Буш маъмурияти АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатига мауъян ўзгаришлар киритишни режалаштирмаган эди. Унинг маъмуриятидаги прагматик сиёсат олиб бориш тарафдорлари АҚШнинг минтақадаги манфаатларини ҳимоя қилишда куч ишлатишга тайёр турсалар-да, ўзларининг ёндашуви ва ҳаракатларида доимо эҳтиёткорлик ҳукмронлик қиларди.

2001 йил 11 сентябрдаги воқеалар АҚШнинг деярли барча ташки сиёсий йўналишларида стратегик манфаатларни қайта кўриб чиқилишига олиб келди. АҚШ стратегиясининг четида жойлашган давлатлар ва минтақалар, хусусан Марказий Осиё, Вашингтон томонидан эндиликда мутлақо ўзга кесимда қарала бошлади. Мазкур давлатлар АҚШнинг кенг қамровли терроризмга қарши кураш сиёсатида ҳамкор ёки иштирокчи сифатида баҳолана бошланди. Ж.Буш маъмурияти Б.Клинтоннинг «янги интервенционизм» сиёсатини «трансчегаравий уруш» концепциясига ўзгартирди.

V. 2001 йил 11 сентябрдаги воқеалар АҚШни кескин ҳаракат қилишига туртки берди. АҚШнинг Яқин Шарқ минтақаси ишларига фаол

аралашуви мазкур минтақани янада кучли «силкиниши»га сабаб бўлди. Б.Обама маъмурияти Ж.Бушнинг минтақавий сиёсатини қайта кўриб чиқишга уринган бўлса-да, унинг даврида ҳам мазкур вазият сақланиб қолди. Яқин Шарқдаги диний-сиёсий низолар шундай кенг қамровли аҳамият касб этдики, ҳаттоки террористик «Ислом давлат» устидан ғалаба қозонилганда ҳам мазкур жараёнлар ягона минтақа чегарасида сақлаб қолиш мураккабдир. «Ислом давлати»ни қуриш шиори остида бошланган чегараларни қайта кўриб чиқиш жараёни мазкур радикал гуруҳларнинг иштирокисиз ҳам давом этади. Айтайлик, бунга Саудия Арабистони, Эрон ва Туркия сингари Яқин Шарқнинг етакчи давлатлари ўртасидаги минтақада ўз устунлигини ўрнатишга бўлган кураш сабаб бўлиши мумкин.

VI. АҚШнинг Марказий Осиёдаги иқтисодий ва геознергетик манфаатлари эволюциясини ўрганиш Американинг минтақадаги сиёсати Россия ва Хитойнинг минтақага жўғрофий яқинлиги омилидан келиб чиқиб шаклланишини кўрсатди. Шу муносабат билан, Марказий Осиёдаги энергетик ресурслар захиралари АҚШ ва бошқа йирик кучлар учун минтақада ўз таъсирини кучайтириш ва Евроосиёдаги геосиёсий рақобатни кескинлаштириш механизмига айланди. АҚШнинг минтақадаги энегетик сиёсати Марказий Осиё давлатларини ғарб энергетик компаниялари наздида жаҳон энергетик бозор ва капиталига чиқишини таъминлаш шиори остида олиб борилди. Шу сабабли, АҚШ энергетик сиёсатининг асосий ғояси муқобил қувурлар йўналишларини яратиш бўйича лойиҳаларни илгари суриш, Марказий Осиё давлатлари ва салоҳиятли углеводород харидорлари билан кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйишга кўмак беришдан иборат эди.

2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг Американинг Марказий Осиёдаги кенг ҳарбий иштироки Вашингтон учун энергетика соҳасидаги геосиёсий лойиҳаларни ва Марказий Осиё ва Катта Яқин Шарққа бевосита киришини таъминлашни олға суришга замин яратди. Мазкур даврдаги минтақа халқаро муносабатлари таҳлили Россия таъсирининг камайиши ва айни пайтда АҚШ ролининг ошганини кўрсатади.

VII. Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва бошқа омиллар, шу жумладан, 1996-2001 йилларда Тошкент ва Вашингтон ўртасида хавфсизлик соҳасида яқин алоқаларнинг ўрнатилганлиги унинг Афғонистондаги терроризмга қарши тузилган коалициясида фаол иштирокига сабаб бўлди. Афғонистондаги терроризмга қарши ҳарбий операциясига Ўзбекистон ва минтақа давлатлари томонидан кўрсатилган кўмак Марказий Осиёнинг АҚШ ва жаҳон ҳамжамияти эътиборининг марказига тушишига олиб келди. Минтақа халқаро терроризмни олдини олиш, диний экстремизм ва ноқонуний гиёҳванд моддаларининг тарқатишга қарши кураш плацдармига айланди.

VIII. Қўшма Штатларнинг Марказий Осиёга нисбатан минтақавий хавфсизлик бўйича стратегиясининг асосий компонентларини тадқиқ этиб, шу хулосага келиндики, 2003 йилда АҚШ Конгресси томонидан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилиши ва сиёсий ислоҳотларнинг секин кечаётганлигини баҳонасида Тошкентга ажратилган ҳарбий ёрдам

кўрсатишни тўхтатиш учун овоз берилгунга қадар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқалар яқин бўлиб келган. Халқаро сиёсатда инсон ҳуқуқлари мавзусини Американинг иккита сиёсий гуруҳ вакиллари доимо ишлатиб келган – демократлар орасидаги либераллар гуруҳи ва республикачилар ичидаги неоконсерваторлар. Терроризмга қарши умумжаҳон кураши авж олаётган бир пайтда Вашингтонда айни иккинчи гуруҳ вакилларининг салмоғи кучайди. Неоконсерваторлар томонидан олиб борилган сиёсат натижаси сифатида Грузия, Украина ҳамда Қирғизистонда рўй берган «рангли инқилоблар»ни келтириш мумкин.

Шунга қарамай икки давлат ўртасидаги Афғонистон ва Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан олиб борилган ҳамкорлик 2005 йилга қадар давом этди. Бундан ташқари Ўзбекистон икки томонлама муносабатларни ривожланиши учун қулай шароит яратиш мақсадида сиёсий ислохотларни олиб бориш йўлида аниқ чора-тадбирларни амалга оширди. Буларнинг ҳаммаси Марказий Осиё ва Афғонистонда хавфсизликни мустаҳкамлаш, очиқ денгизга чиқиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган эди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда АҚШнинг минтақадаги иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этган.

Бироқ, АҚШнинг у ёки бу даражада Грузия, Украина ва Қирғизистонда рўй берган «рангли инқилоблар»даги иштироки ҳамда унинг 2005 йилда рўй берган Андижон воқеаларига нисбатан муносабати икки томонлама ҳамкорликнинг деярли тўхталишига, шу жумладан, АҚШ кўшинларининг «Қарши-Хонобод» ҳарбий базасидан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Шунингдек, АҚШнинг Ўзбекистондаги иқтисодий, маданий ва ижтимоий лойиҳалари чекланди.

IX. Ўзбекистон билан алоқаларнинг тўхтатилиши АҚШ учун нафақат Афғонистондаги ҳарбий операцияни олиб боришни қийинлаштирди, балки унинг Марказий Осиёда тутган ўрнининг пасайишига сабаб бўлди. 2005-2008 йилларда АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг навбатдаги сусайиши кузатилди.

2005-2006 йилларда Вашингтон Марказий Осиё инфраструктурасидан фойдаланишни таъминлаш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширди. Жумладан, 2005 йилнинг июл ойида АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфелд Қирғизистон ва Тожикистонга ташриф буюрди. Натижада Бишкек Манасдаги ҳаво базаси фаолият юритишни давом эттиришини, Душанбе эса АҚШнинг Афғонистондаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши ва терроризмга қарши коалиция томонидан Тожикистон ҳаво ҳудудидан фойдаланиш давом этиши тўғрисида баёнот қилишди. АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсатини қайта кўриб чиқишга бўлган уринишлари муваффақиятсиз кечиб, Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашуви бунинг яна бир сабаби бўлиб хизмат қилди.

АҚШ Афғонистонда узоқ муддатли, катта ҳаражатли ва чигал курашга аралашиб қолди. Ироқдаги ҳарбий операциянинг тугалламаганлиги АҚШнинг Марказий Осиёда фаолроқ сиёсат олиб боришига тўсқиллик яратгани вазиятни янада кескинлаштирди. Бунинг баробарида мазкур даврга келиб Америка иқтисодиёти молиявий инқирозга дуч келди.

Вашингтон Афғонистон ва Марказий Осиёдаги вазият учун жавобгарликни асосан Шимолий альянс доирасидаги иттифоқдош давлатлар, хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатлари зиммасига юклашга уринди. Аслини олганда бу АҚШнинг Марказий Осиёни ўз хохиши тарк этишин англатарди. Бироқ, мазкур режани кичик Ж.Буш маъмурияти ҳам, Б.Обама маъмурияти ҳам амалга ошира олмади. Натижада фақатгина 2010 йилдан сўнг АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқалар аста-секинлик билан қайта тиклана бошланди. АҚШнинг минтақавий сиёсатида аввалгидек кенг қамровли стратегиянинг ишлаб чиқилмагани ва минтақа олдида турган хавфсизлик муаммолари ва иқтисодий ривожланиш масалаларини чуқур англаб етмаслик ҳолатлари мавжуд эди.

Х. АҚШнинг Марказий Осиё билан сиёсий-дипломатик муносабатлари ўзига хос хусусиятларини ўрганиш шуни кўрасатадики, Марказий Осиё ўзининг географик жойлашувига кўра минтақавий ва глобал кудратга эга давлатлар, энг аввало, АҚШ ва Россиянинг геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлари тўқнашган нуқтада жойлашган. Россия ва АҚШнинг Марказий Осиёдаги ўзаро муносабатлари асосан рақобат шаклида кечиб келди. Ўрганилган давр ичида ва кейинги босқичларда АҚШ Марказий Осиёда «хавфсизлик ҳамжамиятини» тузишга эриша олмади. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда бундай ҳамжамиятини яратиш, «минтақавий хавфсизлик тизими»нинг институционал ривожига асос солиш режалари минтақа давлатлари томонидан ҳам, номинтақавий кучлар томонидан ҳам илгари сурилган. Жумладан, АҚШ икки томонлама муносабатлар ҳамда Шимолий альянс ва ГУАМ/ГУУАМ доирасида турли ташаббусларни илгари сурган. Россия Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доирасида ҳамда минтақада иқтисодий механизмлар – Божхона иттифоқи, Евроосиё ҳамкорлиги/Евроосиё иқтисодий иттифоқини ишга солиб ўз таъсир доирасини сақлаб қолишга уринмоқда. Россия Хитой билан биргаликда ШХТ орқали Марказий Осиё давлатлари иштирокида хавфсизлик масалалари бўйича кўптомонлама ҳамкорлик механизмини шакллантиришга интиломоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Россия ШХТ ёрдамида АҚШни Марказий Осиёдан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилган.

Марказий Осиё давлатларининг ўзлари ҳам хавфсизликни таъминлаш борасида минтақавий ҳамкорлик механизмларини яратиш ташаббуслари билан чиқишган. Масалан, Қозоғистон Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлаш кенгаши ташаббусини илгари сурган. Ўзбекистон Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳини тузиш ҳамда Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотини минтақа давлатлари ўртасида хавфсизлик масалалари ва иқтисодий-ижтимоий соҳаларда алоқаларни ривожлантириш механизми сифатида ишлатиш ғояларини илгари сурган. Мазкур механизмларнинг фаолиятига у ёки бу даражада ташқи кучлар жалб қилинган. Уларнинг ёрдамида минтақа давлатлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, ўзаро конструктив диалог ўрнатиш, долзарб муаммоларни биргаликда ҳал этишга йўналтирилган ҳамкорликни барпо этиш мақсади белгиланган. Марказий Осиё давлатларининг манфаатларига шундай кучлар мувозанати

жавоб берадики, унга кўра ҳеч қандай ташқи куч ёки геосиёсий марказлардан бири минтақада ҳал этувчи устунликка эришмаслиги лозим.

Шунга қарамай, АҚШ (Ғарб) ва Россия ўртасидаги геосиёсий рақобат ва қарама-қаршилик Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор иқтисодий ривожланишга йўналтирилган ҳамкорликни йўлга қўйишга бўлган барча интилишларни йўққа чиқарди. Минтақавий лойиҳалар, интеграцион форматлар ва хавфсизликни таъминлаш механизмлари ўртасидаги рақобат Россия ва АҚШ (Ғарб) ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг акси бўлиб, доимо минтақадаги сиёсий-иқтисодий маконнинг бўлакларга бўлинишига олиб келган.

XI. Кичик Ж.Буш маъмурияти даврида юзага келган АҚШ ва Россия муносабатларидаги инқироз Б.Обама маъмурияти даврида янада кучайди. Д.Трамппинг Москва билан конструктив мулоқот қуришга бўлган тайёрлиги тўғрисидаги баёнотлари икки томонлама муносабатларнинг умумий йўналишлари қандай бўлишидан қатъий назар амалга ошмайди. АҚШ ва Россия ўртасидаги геосиёсий қарама-қаршилик дунё тартиботи тўғрисидаги қарашлар, глобал ва минтақавий муаммоларни ечишда ёндашувларида мавжуд фундаментал фарқлар билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида икки томонлама муносабатларда тенгликка эришишга тўсқинлик қилади.

XII. Россия-Америка муносабатларининг минтақадаги хавфсизлик масалалари юзасидан геосиёсий жиҳатларини тадқиқ этиш орқали аниқландики, маълум бир маънода Россия ва АҚШ ўртасидаги енгил рақобатнинг мавжудлиги (зиддият ёки кураш эмас) Марказий Осиё давлатлари учун фойдалидир. Бу минтақа давлатларига миллий ва умумминтақавий манфаатларини амалга оширишларида ёрдам беради. Бироқ ҳозирги вазиятда бунга эришиш мумкин бўлса-да, жуда қийин вазифа ҳисобланади. Номинтақавий ва қўшни давлатлар орасидаги зиддиятлардан фойдаланиш аянчли ва қутилмаган ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун минтақа давлатлари ва қўшни мамлакатлар учун энг тўғри йўл бу - ўзаро ҳамкорлик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Марказий Осиё давлатлари геосиёсатнинг мустақил субъектлари сифатида шаклланиш босқичида турибдилар. Бу Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва халқлари томонидан сиёсий қатъийликни ва маълум бир вақтни талаб қилади. Марказий Осиё минтақаси ўзини нафақат давлатлар йиғиндиси сифатида, балки умумий геосиёсий ва маданий хусусиятларга эга бўлган, умумий стратегик мақсадларни олдига қўйиб ва уларни кетма-кетлик билан амалга тадбиқ эта оладиган ягона иқтисодий ва маданий организм сифатида намоён этиши лозим.

Ҳозирги босқичда долзарб вазифалардан бири бўлиб йиғилиб қолган муаммоларнинг, энг аввало, миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумий ечимини топиш ҳисобланади. Минтақа давлатларига ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий масалалар юзасидан ўз ёндашувларини яқинлаштириш устида ишлашлари лозим. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиёдаги сиёсий-иқтисодий маконнинг кичик бўлакларга бўлиниб кетишини олдини олади.

Ҳорижий ҳамкорлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни олиб боришнинг умумий ёндашувини ишлаб чиқиш орқалигина минтақада интеграцион ташаббусларнинг амалга ошишини таъминлаш мумкин.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.27.06.2017 Tar/Yu/I/S/24.01 UNDER THE UNIVERSITY OF WORLD  
ECONOMY AND DIPLOMACY**

---

**MINISTRY OF FOREIGN AFFAIRS  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
UNIVERSITY OF WORLD ECONOMY AND DIPLOMACY**

**OCHILOV BOTIR BAKHRAMOVICH**

**GENESIS AND EVOLUTION OF US POLICY IN CENTRAL ASIA UNDER  
THE BILL CLINTON AND GEORGE BUSH JR. ADMINISTRATIONS**

**23.00.04. – International relations, problems of global  
and regional development**

**ABSTRACT OF THE DISSERTATION OF THE DOCTOR OF SCIENCE (DSc) IN  
POLITICAL SCIENCE**

**Tashkent – 2017**

**The theme of the dissertation (DSc) was registered at the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with №B2017.2.DSc/Siyos8.**

The dissertation is prepared at the University of World Economy and Diplomacy.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)) on the website of the Scientific Council ([www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)) and Information-educational portal «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Scientific consultant**

**Abdullaev Sherzod Madjidovich,**  
Doctor of Science in History, Professor

**Official opponents:**

**Alimov Ravshan Mirzamurodovich,**  
Doctor of Political Science, Professor

**Ikramov Ilkhom Solievich,**  
Doctor of Political Science, Professor

**Kobzeva Olga Petrovna,**  
Doctor of Science in History, Professor

**Leading organization:**

**Institute for Strategic and Regional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held on \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_», 2017 at \_\_\_\_\_ at the session of Scientific Council DSc.27.06.2017 Tar/Yu/I/S/24.01 at the University of World Economy and Diplomacy (Address: 100192, Tashkent, Mustakillik avenue, 54. «B» building, room №103). Phone: (998971) 267-67-69; fax: (998971) 267-09-00; e-mail: [rektorat@uwed.uz](mailto:rektorat@uwed.uz)).

The doctoral dissertation is available at the Information Resource Center of the University of World Economy and Diplomacy (registered No. \_\_\_\_). (Address: 100192, Tashkent, Mustakillik avenue, 54. Phone: (998971) 267-67-69).

Abstract of the dissertation was circulated on \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_», 2017  
(Registry protocol No. \_\_\_\_ of \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_», 2017).

**I.A. Khamedov**

Chairman of the Scientific Council  
awarding scientific degrees,  
Doctor of Science in Law, Professor

**N.A. Nugmanov**

Scientific Secretary of the Scientific Council  
awarding scientific degrees,  
Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor

**K.A. Jurayev**

Chairman of the Scientific Seminar under  
the Scientific Council awarding scientific degrees,  
Doctor of Science in Political Science, Associate Professor

## INTRODUCTION (abstract of doctoral dissertation)

**The aim of the research** is the implementation of a comprehensive analysis of the priorities of the US foreign policy strategy towards Central Asian countries under Bill Clinton and George Bush Jr. Administrations.

**Objectives of the research:**

- to trace the evolution of the conceptual foundations of the Central Asian policy of the United States;
- to determine the geopolitical shifts in Central Asia and the US strategic goals in the region;
- to reveal the features of the political and diplomatic mechanism of US relations with the states of Central Asia, taking into account the Russian factor;
- to analyze the Central Asian factor in the process of making foreign policy decisions in the US and Russia;
- to study the evolution of US economic and geo-energy interests in Central Asia;
- to identify the main components of the US strategy for regional security in Central Asia;
- to explore the geopolitical aspect of Russian-American contradictions in the context of regional security problems in Central Asia.

**The scientific novelty of the research** is as follows:

a comprehensive assessment of the principles and tools of the «programming partnership» of the American foreign policy strategy in Central Asia during Bill Clinton and George Bush Jr. administrations has been provided;

the US strategic goals and interests in Central Asia in the context of tremendous geopolitical shifts in the region were analyzed (the choice of a secular form of statehood, building democratic society based on socially oriented market economy, openness to the world and an independent foreign policy, preventing the domination of a «third power» in the region);

specifics of the political and diplomatic mechanism of US relations with Central Asian states in the sphere of security and defence cooperation, fighting against terrorism and war in Afghanistan were analyzed taking into account the unique geostrategic and geo-economic situation of the region, the convergence of influential economic and geopolitical powers;

the formation of economic parameters of US involvement in Central Asia, the identification and consideration of American approaches to regional economic processes in the context of the global crisis of 2008-2009 is revealed;

proposals and recommendations for priorities of the policy of Uzbekistan in relations with the US were developed taking into account the experience of mutual relations of the two states during Bill Clinton and George Bush Jr. administrations aimed at strengthening the favorable and constructive cooperation, building productive relationships with various circles of American elite and social strata, the building of close coordination of actions and efforts of Central Asian states in developing relationships with the United States, the activation of forms «C5+1» is the ongoing dialogue.

**Implementation of research results.** Results of the Research of the genesis and evolution of US policy in Central Asia under Bill Clinton and George Bush Jr. the administrations are implemented as follows:

The relevant departments of the Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Uzbekistan used the theses of the Research concerning the impact of external factors (Russia, China, Iran, India, Pakistan, Turkey) on US policy in the Central Asia, the thesis on American approaches to regional economic processes in the conditions of the global crisis, the peculiarities of Washington's policy towards Central Asian individual states proceeding from the doctrine of «programming partnership» (Act of implementation of the Ministry of Foreign Affairs №19/42436, 20.10.2017) fully taken into account. Author's assessments and conclusions were used in development of analytical notes for decision making as well as information guidelines for the Ministry of Foreign Affairs and foreign missions of Uzbekistan. These conclusions of the Research have contributed to an adequate assessment by Ministry of Foreign Affairs of Uzbekistan of the situation in relevant spheres from viewpoint of the national interests.

The main provisions and conclusions of the Research were used in the practical activities of the Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan, including the preparation of information and analytical papers on current situation and prospects for development of US relations with Central Asian states, the dynamics of political, economic, military and other processes in Central Asia and around it as well as their impact on the nature of American foreign policy in the region are revealed (act of implementation of the Ministry of Defense №2/14977, 20.10.2017). The provisions of the Research are taken into account in organizing military technical measures and implementing constructive foreign policy. As a result, proposals on further development of partnership with US, Russia and Turkey in the field of military-technical cooperation were prepared on the basis of the conclusions and proposals of the dissertation for decision making.

The recommendations of the thesis are applied in information and analytical activities of the Institute for Strategic and Interregional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan, especially in formulating proposals for consideration by higher authorities on improving the foreign policy in the matter of expanding political, trade, economic, cultural and humanitarian cooperation with US, a comparative historical analysis of the policy of the great powers in Central Asia in the context of national interests of Uzbekistan, the impact of electoral cycles and changes the American political and economic elites on US foreign policy strategy (Act of implementation of the Institute for Strategic and Interregional Studies №04/1381, 20.10.2017). As a result, the Institute for Strategic and Interregional Studies under the President of the Republic of Uzbekistan in conjunction with the University of World Economy and Diplomacy established the Laboratory for American Studies, within the framework of which permanent fundamental and applied research on a wide range of American studies was organized.

**Publication of research results.** 20 scientific papers were published on the research topic, including scientific publications recommended for publication of

the main scientific results of the doctoral dissertation by the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan (11 articles were published, including 7 in national journals and 4 in international journals).

**Structure and volume of the dissertation.** The work consists of an introduction, four chapters, a conclusion, a list of references. The volume of the dissertation is 196 pages (without list of references).

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ НАУЧНЫХ РАБОТ**  
**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**LIST OF PUBLISHED SCIENTIFIC WORKS**

**I часть (I бўлим; I part)**

1. Очиллов Б. Генезис и эволюция политики США в Центральной Азии. – Ташкент, 2017. – 212 с.
2. Очиллов Б. К эволюции геополитических подходов: историографические и методологические аспекты // Международные отношения. – 2016. - № 3(65). - С. 83-89. (23.00.04; №11).
3. Очиллов Б. Генезис экономической стратегии США в Центральной Азии: постановка вопроса, общие характеристики, исторические симптомы // Международные отношения. - Т.: УМЭД, 2016. - № 4(66). - С. 36-46. (23.00.04; №11).
4. Очиллов Б. Пересмотр приоритетов США в Центральной Азии в период первой администрации Дж. Буша-мл // Научный вестник Самаркандского государственного университета. – 2017. - №4 (104). – С.53-59. (23.00.04; №8).
5. Ochilov B. Main Trends and Implementation Methods of the US National Interests at the End of the 20<sup>th</sup> and the Beginning of the 21<sup>st</sup> Century // American Journal of Research. – 2017. - №5(5). – P. 11-24. (Scientific Journal Impact Factor №18, impact factor 3,571).
6. Очиллов Б. // Вестник Каракалпакского отделения АН Республики Узбекистан. – 2017. – №3. – С.85-86. (23.00.04; №23).
7. Очиллов Б. Об оценках «программирующего партнерства» внешнеполитической стратегии США в Центральноазиатском направлении // Международные отношения. – 2017. - № 1. – С. 59-65. (23.00.04; №11).
8. Ochilov B. Central Asian decision making in foreign policy taking into account of the U.S. and Russia // European Journal of Research. – 2017. – №6(6). – P.3-25. (Scientific Journal Impact Factor №18, impact factor 4,43).
9. Ochilov B. Economic Aspects of U.S. Involvement In Central Asia // Asian Journal of Research. – July 2017. – №6(6). – P.60-73 (Scientific Journal Impact Factor №18, impact factor 4,109).
10. Ochilov B. The Historical Overview of the U.S. Relations with the Central Asian States Taking Into Consideration of the Russian Interests // American Journal of Research. – 2017. – №6(6). – P.11-25. (Scientific Journal Impact Factor №18, impact factor 3,571).
11. Очиллов Б. Центральная Азия в процессе принятия внешнеполитических решений в США и России (сравнительно-исторический анализ) // Международные отношения. – 2017. - № 2. – С. 59-65. (23.00.04; №11).
12. Очиллов Б. Обеспечение безопасности и стабильности в Центральной Азии – важнейший приоритет внешней политики Республики

Узбекистан // Фуқаролик жамияти. – 2017. – №3 – С. 77-83. (23.00.04; №24).

## II часть (II бўлим; II part)

1. Ochilov B. Geopolitical shifts in Central Asia and formation of US strategic objectives in the region // Zbior Artikulow Naukowych «Nowy sposob Rozwoju: Panstwo i Prawo». – Poznan, 2017. – P. 273-275.
2. Ochilov B. Uzbekistan Struggling against Extremism and Terrorism // Collection of Research Papers on Trending Regional Peace and Security. UWED – Tashkent, 2017. – P. 103-109.
3. Очиллов Б. Генезис и эволюция энергетической и геоэкономической политики США в Центральной Азии (постановка вопроса) // Бизнес-Эксперт. – 2017. - №9. – С.86-92.
4. Ochilov B. Uzbekistan Tackling the Threats of Violent Extremism // Gandhara Journal of Research in Social Science. – 2017. Vol.1. - №1 (Spring) – P.59-66.
5. Очиллов Б. Геополитические приоритеты внешних сил в Центральной Азии и интересы Узбекистана // Актуальные проблемы обеспечения национальной безопасности Республики Узбекистан: Тез. докл. XIV научно-практической конф. молодых ученых. – Ташкент, 2016. – С.29-33.
6. Очиллов Б. К итогам московской конференции по Афганистану // Актуальные проблемы обеспечения национальной безопасности Республики Узбекистан: Тез. докл. XV научно-практической конф. молодых ученых. – Ташкент, 2016. – С.47-50.
7. Очиллов Б. Эволюция внешнеполитической стратегии США в отношении стран Центральной Азии в 1991-2008 гг. // «Замонавий халқаро муносабатларнинг хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устуворлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2016. – С.132-142.
8. Очиллов Б. Формирование внешнеполитического курса США в Центральной Азии в 1992-2000 гг. (политико-историографический контент) // Сборник материалов VII республиканской научно-практической конференция молодых учёных на тему «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах: внешняя политика, международное право, внешнеэкономическая деятельность» – Ташкент, 2017.

Автореферат Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети таҳририясида  
таҳрирдан ўтказилиб, рус, ўзбек ва инглиз тиллардаги матнлар ўзаро  
мувофиқлаштирилди (14.12.2017)

Босишга рухсат берилди: 15.12.2017.  
Қоғоз бичими 60x44<sub>1/16</sub> . Times New Roman гарнитураси.  
Шартли босма табағи 4. Адади 80. Буюртма №1369

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети босмахонасида чоп этилди.  
100192, Тошкент, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54

